

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУҒИ

599 Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик ғалла етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
27 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1794-1*

(2013 йил 6 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Уруғчилик тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 130-модда), «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 9-сон, 156-модда) қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги ПФ-4478-сон «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 43-сон, 493-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2008 йил 22 мартдаги 41-сон буйруғи (рўйхат рақами 1794, 2008 йил 17 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 16-сон, 126-модда) билан тасдиқланган Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик ғалла етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-банди иккинчи хатбошиси «туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи (комиссия раиси),» деган сўзлардан кейин «туман фермерлар кенгаши,» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир

Тошкент ш.,
2012 йил 30 ноябрь,
185/а-сон

3. РУЗИЕВ

Келишилган:

Иқтисодиёт вазири

2012 йил 30 ноябрь

Г. САИДОВА

*Ер ресурслари, геодезия,
картография ва давлат кадастри
давлат қўмитаси раиси*

2012 йил 30 ноябрь

С. АРАБОВ

*«Ўздонмахсулот» акциядорлик
компанияси бошқаруви раиси*

2012 йил 30 ноябрь

Э. ҚУДРАТОВ